

**АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ - МУЗЕЙ ХАЗИНАСИДА ТУТГАН ЎРНИ.  
МАТО ХУНАРМАНДЧИЛИК НАЪМУНАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ  
ЖАРАЁНЛАРИ МИСОЛИДА.**

**Носирова Сория**

*Бухоро давлат музей-қўриқхонаси “Нақшбандия  
тариқати” музей филиал мудири  
E-mail: [soriyanosirova@gmail.com](mailto:soriyanosirova@gmail.com)*

**“Биз буюк давлат, буюк тарих, буюк маданият яратган халқмиз!”**

**Ш.М. Мирзиёев**

**Аннотация:** *Аждодлар мероси бўлмиш мато хунармандчилик наъмуналарининг асраб-авайлаш борасида Бухоро давлат музей-қўриқхонасида мато хунармандчилигини сақлашни ҳолатларини ўрганиш ва кенг миқёсда оммага тарғиб этиши, ҳамда улардан унумли фойдаланган ҳолда, маънавий (“устоз-шогирд”) қадриятларини такомиллаштириши, уларни асраб-авайлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиши, ёшларда зоявий иммунитетни шакллантиришга эришиши орқали халқимиз фаровонлигини оширишдан иборатдир.*

**Калит сўзлар:** *Бухоро давлат музей-қўриқхонаси, аждодлар мероси, моддий бойликлар, мато тўқимачилиги, ашё, таъмирлаш, кийим-кечак, амир тўни, бахмал мато, давр, хунармандчилик, камарбанд.*

**Аннотация:**

*Целью данной работы является изучение состояния сохранности образцов текстильного ремесла, являющихся наследием предков, в Бухарском государственном музее-заповеднике, а также их широкая популяризация среди населения. Кроме того, предусматривается эффективное использование этих образцов для совершенствования духовных ценностей, в частности традиции «устоз–шогирд» (наставник–ученик), их сохранение и передача будущим поколениям. Реализация данных задач направлена на формирование у молодежи идеологического иммунитета и, как следствие, на повышение благосостояния нашего народа.*

**Annotation:**

*The purpose of this study is to examine the state of preservation of textile handicraft samples, which are part of the ancestral heritage, in the Bukhara State Museum-Reserve, as well as to promote them widely among the public. In addition, the study aims to ensure the effective use of these artifacts to enhance spiritual values, particularly the “ustoz–shogird” (master–apprentice) tradition, to preserve them, and to pass them on to future generations. Achieving these objectives will contribute to the*

*formation of ideological immunity among youth and, consequently, to improving the well-being of our people.*

Қадим тарихдаги маданий ҳаёт, аждодларимиз турмуш тарзини ўрганиш беқиёс аҳамият касб этади. Бу эса Мустақиллик туфайли ўзбек халқи ўз маданий меросини янгидан тиклади. Ўзбек халқи Марказий Осиёда энг бой ва қадимий маданий меросга эга бўлган халқ ҳисобланади. Бу бойликларни юзага чиқариш, инсоният олдида ўзбек халқининг ҳақиқий маданий ва маънавий қиёфасини кўрсатиш - маданий меросимизни тиклашнинг таркибий қисмидир.

Шу қатори Ўзбек тўқимачилик санъати ҳам узоқ тарихга эга, бу жараён милоддан аввалги узоқ даврларга бориб тақалади. Инсонлар кийим-кечак тайёрлашга бўлган қизиқиши ортиб борган, кийимга бўлган эҳтиёж асрлар оша сайқалланган ҳамда ҳозирги кунга қадар такомиллашиб келган. Аждодлар меросларидан бири мато ҳунармандчилиги инсоннинг табиий эҳтиёжи асосида юзага келган. Инсоният учун энг муҳим машғулоти сифатида энг қадимги даврларда пайдо бўлган мато ҳунармандчилиги - онгли меҳнат замирида муайян тадбирлардан фойдаланишни тақозо этган. Фойдали ва қулай тадбирлар такрорланиб, тажрибалар вужудга келган. Аждодларимиз нафақат бизга ўзининг буюк кашфиётларини балки дурдона санъат асарларини яратиб қолдирганлар. Бундай санъат асарлари ҳозирги кунда 1922 йилда ташкил этилган, Бухоро давлат музей-қўриқхонасида сақланаётган мато ҳунармандчилиги наъмуналаридир.

**Бухоро давлат музей-қўриқхонасида сақланалаётган матолар тўпламини 4 йирик даврга бўлиш мумкин:**

1. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср боши матоларини айниқса қизиқарли наъмуналари тўқилган, уларнинг беазагида ўзига хос хусусиятлар яққол акс этиб туради. Улар орасида болалар, эркаклар, аёллар устки кийимлари мажмуалари, маиший буюмлар ва уй ичи буюмлари: жойпўш, сандалипўш, сўзани, чойшаб, пардалар, такияпўш-ёстик ғилофлари мавжуд.

2. 1920-1960 йиллар. Бу даврда ширкатларда қўл бола усулида тўқилган мато наъмуналари киради. Мато ишлаб чиқариш ва безашнинг етакчи усуллари Бухоро ва Фарғона усуллари ҳисобланади.

3. 1960-1990 йиллар. Бу давр тўплами фабрика тўқимачилиги маҳсулотлари ҳисобланади.

4. 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар тўпланган ҳозирги замон ҳунармандларининг асарлари, яъни Мустақиллик давридаги наъмуналарни айтишимиз мумкин.

Ушбу моддий бойликларимиз ҳозирги кунда музей кўرғазма заллари ва фонд захира хоналарида сақланиб келинмоқда. Ушбу экспонатларни талаб даражасида сақлаш учун кўрғазма ва фондлардаги ҳавонинг нисбий намлигини ҳамда ҳароратни мунтазам зарурий миқдорда тутиб туриш муҳим саналади. Доимий кузатувларни олиб борилиши натижасида таъмирталаб ашёлар аниқланганади.

Таъмирланадиган ашёлар шикастланганлик даражаси кўздан кечирилади. Таъмирталаб экспонатнинг матоси (бахмал, шойи, парча, адрас, алоча, бекасам, калами, чит, бўз, шерс) ва унинг шикастланганлик ҳолатига қараб таъмирлаш босқичлари ишлаб чиқилади.

**Мисол тариқасида:**

- ашё фақат кирланган ҳолатда бўлиши мумкин,
- ашё кирланган ва йиртилган ҳолатда бўлиши мумкин,
- ашё кирланган, йиртилган ва титилган ҳолатлари кузатилиши мумкин,
- ашёга моғор ва замбуруғдан зарар кўрган ҳолат кузатилиши мумкин. Бунда матодаги зарлар кўкариши ва мато толасини емирилиши кузатилади,
- жун ва шойи (ипак) газламаларни ҳашорат, қурт-қумурсқаларнинг икки гуруҳи терихўр ва қуялар емирган ашёлар бўлиши мумкин.
- ёки бўлмаса тўқимачилик матоларнинг сифатининг бузилишига бош сабаблар ёрқин ёруғлик, қуёш нури, номўътадил ҳарорат ва намлик, замбуруғлар, ҳашоратлар, чанг ва зарарли газлардан шикастланган ашёлар бўлиши мумкин.

Демак ашёни қай даражада зарар етганлиги ва матони ҳолатига қараб, таъмирлаш ишлари режалаштирилади. Ашёларни таъмирлаш жараёни бир-биридан фарқланади албатта.

Ҳар бир амалий санъат наъмуналари бўлмиш экспонатни ойлар ёки йиллар давомида таъмирлаш учун вақт талаб этилади.

**1-мисол: Бухоро амирларининг “Бутадор” тўннининг таъмирланиш жараёни.**

Бухоро Амирлари (Абдул Аҳадхон, Амир Олимхон) томонидан маросимларда кийилган “Бутадор” тўн, музей фондига қабул қилингандан сўнг узоқ йиллар мобайнида кўргазма залларини безаб турганлиги сабабли чангларни сингиб қолиши, унга тикилган зардўзи безакларнинг оғирлиги туфайли деярли елка қисмлари кирланган, йиртилган ва титилганлиги кузатилди. Шу сабабли таъмирлаш бўлимига чиқарилди. Таъмирлаш жараёни - махсус комиссия маслаҳатига биноан, мато ва зар устига тест ўтказилди ҳамда таъмирлаш ишларини бир неча босқич асосида амалга ошириш режалаштирилди.

Биз биламизки ушбу тўн қўл меҳнатида XIX аср бошларида маросимлар учун махсус тайёрланган бўлиши мумкин. Ўша даврнинг бахмал (тўннинг юза қисми матоси), шойи (авра-астар қисми) матоси, қумуш симларда 10-20 % гача тилла суви юритилганлигини инобатга олиб (устазода зардўз Бахшулло Жумаев фикрларига биноан), ҳозирги кунда ўша даврнинг хом-ашёларини топишни имкони йўқлиги сабабли, матога мос келадиган ҳозирги замон хом-ашёларидан кенг фойдаланилди. Ушбу таъмирлаш ишларини “Устоз-шогирт” анъаналарига таянган ҳолда таъмирловчи мутахассис Д. Холов кўрсатмасига биноан музей ходимлари томонидан таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Энг аввало **кузатув босқичида** (тўн махсус тайёрланган маникентга кийдирилган ҳолатда) тўннинг таъмирга муҳтожлик ҳолатини кузатиш ва таъмирлаш жараёни босқичларини амалга ошириш режалаштирилади.

**1-босқичда.** Таъмирлаш жараёнида керакли ашёлар рўйхати шакллантирилади: Буларга майин шотка, спирт, аммиак, дистирланган сув, пахта ўрами, ангишвона, қайчи уштургардон (туя бўйин қайчи), патила, ипак ип, зар ип, ингичка игна, арганза матолардан таъмирлаш мақсадида тайёрланди.

**2-босқичда** майин шотка ёрдамида чанглардан яшил бахмал матони тозалаш ишлари 2-3 маротаба такрорий амалга оширилади.

**3-босқичда** яшил рангдаги бахмал матони ювишда, мато хобига қараб зар ипларга зиён етказмаган ҳолда дистирланган сув ёрдамида момик пахта 2-3 см ўрам шаклда (тампун кўринишда) тайёрланиб (докадан ҳам фойдаланиш мумкин), матони ювиш ишлари амалга оширилди. Матонинг кирланганлиги сабабли ювиш жараёни ҳам 3 босқичда амалга оширилди. Ювиш билан бир қаторда қуритиш ишлари (соч қуритиш мосламаси фендан қисман фойдаланилди) ҳам бажарилади.

**4-босқичда** тилла суви юритилган зар ип ва симлар кирлардан тозаланди. Бунда 5 мл.дан 10 мл.гача эритма (амиак ва спирт) аралашмаси ёрдамида уха чистка ёрдамида кирлардан тозаланади.

**5-босқичда** тўннинг авра ва астари ҳам пахтали тампун ёрдамида ювиш ишлари амалга оширилди. Ювиш жараёнларида тўннинг юза қисми бахмал мато эканлиниги инобатга олиб, астари ипак матодан бўлганлиги сабабли, ранглари бир-бирига кўчмаслиги учун орасида ўз бичимида мосланган пахталик мато кўйилган ҳолда ювилади ҳамда дазмоллаш жараёнига тайёр ҳолда келтирилади.

**6-босқичда**-ювиш ва қуритиш ишлари амалга оширилгандан сўнг, юпқа марли ёрдамида дазмоллаш ишлари амалга оширилади.

**7-босқичда** тўннинг йиртилган ҳамда титилган жойларини тикишдан олдинги жараён бу тўннинг юзаси (бахмал) ва астарнинг (шойи) орасида арганза матодан, тўн бичимини қирқиб тикиб жойлаштирилади.

**8-босқичда** тўннинг юза қисмининг йиртилган ва титилган жойлари ипак ип ёрдамида арганзага бирлаштирилган ҳолда тикиш ишлари амалга оширилади.

**9-босқичда** тўндаги зар иплар ёрдамида тикилган гулдўзи нақшларнинг узилган қисмлари (маргўла, дабўса, бута, бадом ва бошқа нақшлар) тикланади.

**10-босқичда.** Тўннинг четки хошия қисми “Зе-жияк”нинг баъзи узилган ипак ипларини тикиш ишлари амалга оширилади.

**11-босқичда**-яна кузатув босқичи амалга оширилади. Бунда тўнни маникентга кийгизган ҳолда кузатилади. Яъни барча ишлар яқунланганлигига амин бўлиш мақсадида.

Экспонатни яхшилаб кўздан кечириш, уни ювиб қуритиш ҳамда йўқолган жойларига ўзига мос мато кўйиб (ички тарафидан яхлит) тикиш ишлари амалга оширилди. Таъмирлаш ишлари муваффақиятли яқунлангандан сўнг, музей

кўргазмасига топширилди. Ҳозир биз юқорида Бутадор тўннинг таъмирланиш жараёни ҳақида фикр юритдик.

**2-мисол: Сарандоз рўмолни таъмирлаш жараёни ҳақида.**

Асрлар, йиллар оша бизгача етиб келган экспонат сарандоз рўмол балким ўз сохибаси кўлида узоқ вақт ишлатилганлиги ёки бўлмаса музей фондига қабул қилингандан кейин узоқ йиллар мобайнида кўргазма залларини безаб турганлиги сабабли унга тикилган зардўзи безакларининг балким оғирлиги туфайли таъмирталаб ҳолга келиб қолган бўлиши мумкин (2.1-расм). Ушбу сарандоз фаранг рўмолининг марказий қисмидаги медалион атрофларида катта йўқолган ва титилган жойлари яққол кўриниб турибди. Рўмолнинг бошқа тарафларида ҳам жуда кўп титилган жойлар мавжуд. Сарандоз рўмолга яна қайта жозоба ва кўрк бахш этиш ҳамда келажак авлодларга бекаму кўст етказиш мақсадида таъмирлаш ишлари замонавий қўлланмалар асосида амалга оширилди. Экспонатни яхшилаб кўздан кечириш, уни ювиб қуриштириш ҳамда йўқолган жойларига ўзига мос мато қўйиб (орқа тарафидан яхлит) тикиш усуллари билан, умуман тиклашни имкони бўлмаган жойларини махсус клей орқали қотириш ишлари амалга оширилди.

Сарандоз рўмол - шойи (шёлк) мато бўлганлиги сабабли таъмирлаш ишлари куйидаги бошқичда амалга ошириш режалаштирилди.

Энг аввало **кузатув босқичида** ашёнинг таъмирга муҳтожлик ҳолатини кузатиш ва таъмирлаш жараёни босқичларини амалга ошириш режалаштирилади.

**1-босқичда** – Таъмирлаш жараёнида керакли ашёлар рўйхати шакллантирилади. Майин шётка, спирт, аммиак, дистирланган сув, пахта ўрами, ангишвона, қайчи уштургардон (туя бўйин қайчи), ипак ип, зар ип, ингичка игна, орқа тарафидан яхлит ипак матосидан қўйиб таъмирлаш мақсадида тайёрланди.

**2-босқичда** майин шотка ёрдамида чанглардан тозалаш ишлари 2 маротаба такрорий бажарилади.

**3-босқичда** матонинг аҳволи жуда ёмон титилганлигини инобатга олиб ювиш ишлари махсус сепиш мосламаси ёрдамида, дистирланган сув тўлдирилган ҳолда 20 см узоқликдаги масофадан пуркаб сепиш орқали 3 маротаба такрорий ювиб ва қуриштириш ишлари амалга оширилади (токи матолардаги сингиб қолган чанглар кетгунигача қадар).

**4-босқичда** ювиб-қуриштириш ишлари амалга оширилгандан сўнг фаранги рўмолни, оқ марли ёрдамида дазмоллаш ишлари амалга оширилади.

**5-босқичда** матонинг йўқолган жойларига ўзига мос мато қўйиб (орқа тарафидан яхлит) ипак иплар ёрдамида тикиш усуллари ва махсус икки ёқлама клевоё ёрдамида қотириш ишлари бажарилади.

**6-босқичда** зар нақшларни махсус кимёвий эритма тайёрланган ҳолда, доғлардан тозаланади.

**7-босқичда** зарнинг узилган нақшлари, зар ип ва ипак иплар ёрдамида тикиш орқали тикланади.

**8-босқичи**-яна кузатув босқичи амалга оширилади. Бунда сарандоз рўмолни ёйилган ҳолда қўямиз ва кузатув ишлари амалга оширилади. Яъни барча ишлар якунланганлигига амин бўлиш мақсадида.

Ўзбек аёлларининг ғурури, иффати бўлган бу нодир дурдона асарни келажак авлодларга бор ҳолича етказишда ўзимизнинг тажриба ва салоҳиятимизни ишга солиб қўлимиздан келгунча асраш ҳаракатида миз.

### **3-мисол “Камарбанд” ни таъмирлаш жараёни. (3.1расм).**

Ушбу нодир дурдона санъат асари бўлмиш - **камарбанд** XIX аср охирида маҳаллий хунармандлар қўл меҳнатида тайёрланган ва ўз даврида аслзода амалдорлар томонидан фойдаланиб келинган бўлган. Кейинчалик 1922 йилларда Бухоро давлат музей қўриқхонаси ташкил этилгандан сўнг, аجدодлар мероси бўлган камарбанд музей фондига топширилган. Балким музей кўرғазма залларида бир неча йиллардан буён намойишга қўйилганлиги сабабли, ашёнинг сифати бузилиши кузатилди, натижасида таъмирлаш ишларини “Устоз ва шогирт” анъанасига таянган ҳолда Д. Холовнинг реставрацияга оид билим ва кўникмалари ҳамда замонавий тажрибалари асосида таъмирлаш ишлари режалаштирилди.

**Кузатув босқичида** Камарбанднинг юза қисми бахмал матодан, астари ва хошия қисми оқ читдан ҳамда 7 та кумушдан тайёрланган медал-бляхалари бахмал матога бириктирилган ҳолда тайёрланганлигини кузатиш мумкин. Чанглар бахмал матога йиллар давомида сингиб қолганлиги ва кўп фойдаланганлиги сабабли бахмалнинг кўчиши, йиртилиш ҳамда титилишлар кузатилди.

**1-босқич.** Таъмирлаш жараёнида керакли ашёлар рўйхати шакллантирилди. Буларга: майин шотка, спирт, аммиак, дистирланган сув, пахта ўрами, ангишвона, қайчи уштургардон (туя бўйин қайчи), ипак ип, марли, ингичка игналар таъмирлаш учун тайёрланди.

**2-босқич.** Камарбандни таъмирлаш жараёнига тайёр ҳолда келтириш мақсадида, медал-бляхалари ва юза қисми бахмал матоси, астар қисми оқ читдан тикилган дарзлари ажратилди. Камарбанднинг ички картон қисми ўта ёмон титилганлиги яроқсиз ҳолда келганлиги кузатилди.

**3-босқичда** майин шотка ёрдамида чанглардан яшил бахмал мато юза қисми ва астар қисми тозалаш ишлари 2-3 мартаба такрорий амалга оширилди.

**4-босқичда** яшил рангдаги бахмал матони ювишда, мато хобига қараб зиён етказмаган ҳолда дистирланган сув ёрдамида майин шотка билан матони ювиш ишлари амалга оширилди. Матони ювиш ва тозалаш жараёни ҳам 2 босқичда (1-бахмал, 2-астар) амалга оширилди. Ювиш билан бир қаторда қуриштириш ишлари ҳам бажарилади.

**5-босқичда** бахмал матонинг йиртилган ва титилган жойларига қора рангдаги органза қўйилган ҳолда тикилди. Бахмал мато яхлит ҳолатга келтирилди.

**6-босқичда** Матога бахмалнинг тўқилиш тартиби микроскоп ёрдамида кўриб чиқилди. Тўқилиш жараёни 4 қатор танда ва арқоғ ишлар оралиғидан оч яшил рангдаги ипак ип ўтганлиги кузатилди. Ушбу мураккаб жараённи амалда ипак ип ва игна ёрдамида кўчган бахмални тиклаш ишларини бошлаб юборилди. Ушбу жараённи сабр ҳамда матонат билан 10-15 иш куни оралиғида таъмирланди.

**7-босқичда** астар қисми ўз ўлчамида мос келадиган оқ рангдаги читдан қирқиб олинди (ювилади) яхлит астарга тикилди.

**8-босқичда** - тикиш ишлари амалга оширилгандан сўнг, юпқа марли ёрдамида юза – бахмал мато ва астар – оқ чит қисмини дазмоллаш ишлари амалга оширилади.

**9-босқичда**-камарбанд қоматнинг бел қисмига чиройли ва текис кўриниши учун матолар (юза-бахмал, астар-оқ чит) оралиғида қўйилган картон титилган, йиртилган ва нотекис ҳолатда бўлганлиги сабабли ўша ўлчамда картон бичимини қирқиб жойлаштирилди.

**10-босқичда** камарбарддаги медалл-бляхалар махсус химиявий қоричма (амияк ва спирт) ёрдамида қирлардан тозаланди.

**11-босқичда** камарбанднинг юза қисми – бахмал мато, астар – оқ чит мато, лаблўба, картон бирлаштирилган ҳолда тикиш ишлари амалга оширилди.

**12-босқичда** камарбанд тикилгандан сўнг медал-бляхалар ўз жойларига жойлаштирилди.

Энг сўнги босқич яна кузатув босқичи амалга оширилади. Бунда камарбанд ёйилган ҳолда кузатилади. Яъни барча ишлар яқунланганлигига амин бўлиш мақсадида.

Бахмал матонинг тикланиши бу барча Амирлик даври бахмал тўнларининг кўчган қисмларини тикланишга замин яратилганлигидан далолатдир. Биз ўзимизнинг бор билим салоҳиятимизни аждодлар-меросларини келажак авлодларга бекаму кўст асраб авайлаб етказишга бор эътиборимизни қаратамиз.

Хулоса ўйлашмики таъмирланган экспонатлар яъни аждодлар мерослари яна бир неча йиллар давомида музей кўргазма залларини бежаб туради деган умиддамиз. Ҳар бир даврдаги моддий ёдгорликлар каби ашёлар ҳам ўз таровати орқали неча асрлардан буён инсониятни шайдо қилиб келган. Ўша даврлардаги яратилган буюмлар халқнинг ҳис-туйғулари ва орзу-умидларининг ифодаси бўлиб келган. Музейлардаги давлат мулки саналган ноёб буюмларни таъмирлашдан мақсад, музей кўргазма залларини бойитиш, уларни асраб қолиш ҳамда аждодларимиз қолдирган буюк меъросни ёш авлодларга етказишдан иборатдир. Бухоро туризмнинг асосий объектлари бўлган аждодлар мероси наъмуналари (мато коллекцияси) сақланадиган музей ашёлари ва коллекцияларини ўрганиш ҳамда уларни кенг миқёсда оммага тарғиб этишга эришиш орқали, ноёб дурдона санъат асарлари саналмиш аждодлар меросидан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришга ҳамда

халқимиз фаровонлигини оширишга эришдан иборатдир. Демак юқорида келтирилдан аждодлар мероси бўлмиш музей ашёлари ва коллекцияларини, яъни хунармандчилик наъмуналари билан боғлиқ бўлган миллий қадриятларимизни ҳам асраш, ашёлар орқали ёш-авлодни ватанпарварлик ҳамда ўзбек халқининг меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш каби муҳим мақсадларни жамлаган. Хусусан, бир томондан, “Музей-таълим-жамият” тизими асосида кўргазмалар ташкил этилган ҳолда фидойи аждодларимизнинг хотирасига юксак эҳтиром кўрсатиш, аждодларимиз кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятини тарғиб этиш орқали ёшларда ғоявий иммунитетнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

### 1.1 расм Бутадор тўннинг таъмирталаб ҳолати



### 1.2 расм Бутадор тўннинг ювиш жараёни



### 1.2 расм Бутадор тўннинг таъмирлаш жараёни



1.3 расм Бутадор тўннинг таъмирдан сўнгги ҳолати



2.1-расм. Сарандоз рўмолни таъмирлашдан олдинги ҳолати.



2.1-расм. Сарандоз рўмолни дазмоллаш ва тикиш жараёни




Фаранги рўмолнинг таъмирланган сурати акс эттирилган



3.1-расм. Камарбанд







**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 2017.–592 б.
3. “Бухоро зардўзий санъати” П.А.Goncharova.1986 й.
4. “Эрмитажная энциклопедия текстиля” реставрация. Каталог выставки. Сан–петербург. Изд.Государственного Эрмитажа. 2017г.
5. “Зардўзлик санъати” Б. Жумаев 2022й.